

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, шунингдек, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳа ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кўрсатилган.

Туман судининг ҳукми билан Б. Х. (вафот этган) билан биргаликда фойда олиш мақсадида тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан ва махсус лицензия олмасдан автомобиллар савдоси билан шуғулланиб шу билан боғлиқ расмий ҳужжатларни қалбакилаштирганликда ҳамда божхонага оид қонунларни бузганликда айбдор деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-модда 1-қисмининг “а” банди, 188-моддасининг 3-қисми, 188-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши, 190-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-модда 2-қисмининг “а,б” бандлари билан, ЖКнинг 59, 61-моддаларига асосан 175.000 сўм жарима, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланиб ойлик иш ҳақидан 30 % давлат фойдасига ундириш белгиланган ва “Амнистия тўғрисида”ги Фармон қўлланиб, Б. жазодан озод қилинган.

Шаҳар суди Раёсатининг қарори билан суд ҳукми бекор қилиниб иш янгитдан судда кўриш учун юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг шаҳар суди Раёсатининг қарорини бекор қилиб, туман суди ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги протестини Олий суд жинойт ишлари бўйича судлов хайъати томонидан қуйидагиларга асосан қаноатлантирилган.

Жинойт ишидаги материалларга кўра Б. Россиядан автомашиналар олиб келиб сотган. Унинг кўрсатишича у автомашиналарнинг ҳужжатларини

расмийлаштирмаган, хужжатларни расмийлаштириш билан Х. шуғулланган. Гувоҳлар эса автомашина сотиб олишаётганида хужжатлар билан ким шуғулланганини билмасликларини кўрсатишган. Суд-хатшунослик экспертизасининг хулосасида автомашиналарнинг счет-маълумотномаларидаги вазирзадаги имзолар Б. томонидан бажарилмаганлиги кўрсатилган.

Жиноят иши материалларида Б. нинг юқорида қайд этилган важларини инкор этувчи далиллар тўпланмаган ва уларни тўплаш имкониятлари Х. нинг ўлганлиги муносабати билан бутунлай йўқолган.

Б. га жазо белгилашда туман суди унинг қарамоғида 3 нафар ёш фарзандлари, ногирон укаси борлиги, қилмишидан пушаймонлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини асосли равишда қўллаган.

Судлов ҳайъати ажрими -№03-336н-01